



# HURRIYAT

O'zingni angla!

Mustaqil gazeta


2018-yil 9-may, chorshanba

№ 20 (1082)

1996-yil dekabr dan chiqra boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.hurriyat.uz



## ЕР ЮЗИДА ДОИМО ТИНЧЛИК БЎЛСИН!

Уруш бошланиши билан фронт худудларидан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган, "Сен етим эмассан" деб ўз бағрига олгани халқимизнинг нақадар олижаноблигини, меҳр-мурувватини, юксак маънавиятини яққол намойён этди.



## "НЕКИ АЙТСАМ, ЮРАКДАН АЙТДИМ..."

"Ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида мактабда олган жами баҳолари жамланиб, олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилишдек адолатли усул мавжуд. Бошқа ҳеч қандай синов йўқ: мактабдаги баллар ҳисобланади ва шунга асосан баҳо қўйилади. Ўқишга кириш муаммо эмас, мактабни аълога тугатиш асосий масала!"



## ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ



Сурхондарё вилояти Денов туманида "Китоб дунёси" масъулияти чекланган жамияти томонидан барпо этилган уч қаватли "Чағониён" китоб марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

## Деновда китоб маркази очилди, ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

Ёзувчи ва шоирлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавиятчилар ва туман фаоллари, ёшлар штирок этган тадбирда Ўзбекистон халқ шоири У.Азимов, Ўзбекистон Ислам цивилизацияси маркази бўлим бошлиғи М.Кенжабеков, Ўзбекистон

Миллий ахборот агентлиги Бош директори А.Кўчимов ва бошқалар мамлакатимизда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавияти, тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, уларда Ватанга муҳаббат, ис-

тиклел гоғларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғусини мустаҳкамлашда юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Денов туманида янгидан курилиб, фойдаланишга топширилган мазкур китоб марказида китобхонлар учун барча шароит яратилган.

– Ушбу маърифат марказида китоблар дўкони, кутубхона ва электрон кутубхона барпо этилди, – дейди Денов тумани "Китоб дунёси" масъулияти чекланган жамияти раҳбари И.Худойбердиев. – Бу ерда 15 мингга яқин бадий, сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа китоблар-

ни харид қилиш, ўқиш имконияти мавжуд. Келгусида кутубхона янги китоблар билан узлуксиз бойитилиб, электрон кутубхона бадий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа электрон китоблар билан кенгайтирилади.



3 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикасининг Шимол билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича қўмитаси раиси Сон Ён Гиль бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

4 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

5 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

7 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазир шайх Мансур бин Зоид Ол Наҳённи қабул қилди.

8 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

8 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлини устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори матбуотда чоп этилди.

8 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори матбуотда эълон қилинди.



## Эзгу амал



Қайтди ўз "ҳовлиси"га Шоаҳмад ота, Ҳазрат, Соҳиби мурувату силаи раҳм шафқат.

Ёнида рафиқаси, ўн тўрт нафар ўғил-қиз, Бу оила тарихи жумла жаҳонга ибрат.

Фарзандлар орасида яхудий, қозок, немис, Қирғизу рус, қўйингки, бор эди турфа миллат.

Ўзи темирчи уста, Баҳри ая мураббий, Турмуши пачор, бироқ дилда эзгу ҳидоят.

Жаҳон уруши боис юртда муҳтожлик, очлик, Халқ яшарди бир бурда нонга этиб қаноат.

Меҳр дарёси буюк бош бўлди етимларга, Инсонийлик азалдан ўзбек халқига одат.

Хотирлаб руҳларини пойтахтнинг марказида Қад кўтарди мажмуа – ҳайкаллардан иборат.

Ҳайкал Халқлар дўстлигини қайтарди ўз аслига, Адолатли Раҳбарга барча халқ дейди, раҳмат!

Пўлатжон БОБОМУҲАМЕДОВ, меҳнат фахрийси

Тазета ўқишга узокни кўра олмайди!


Ўқинг, баҳра олинг ва уни дўстларингизга ҳам ҳада этинг. "Hurriyat" да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишингиз мумкин.



"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

## ЗИЁРАТ

## Асрларга гувох бўлган гўшалар



Кўшни давлатлар билан алоқалар яхши йўлга қўйилганлигидан кўпчилик хурсанд эканлиги ҳақида бир неча марта газета-мизда хабар қилдик. Шу имкониятдан ўзимиз ҳам баҳрамд бўлиш

ниятида жамоа бўлиб Қозғистондаги муқаддас қадамжолар бўйлаб зиёрат сафарига отландик. Биласизми, ёлғиз йўлга чиқиш бошқа, жамоадор ҳамкасблар билан йўлга чиқиш бошқача бўларкан.

Авалдан шундай келишдик: кўшни мамлакатда кўзимиз тушган манзараларга баҳо беришда ўзимиздаги аҳвол билан қиёслаб кўрамиз.



ШАРХ УРНИДА

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минг-минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангҳоладан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди.



ЕР ЮЗИДА

доимо тинчлик бўлсин!

Ватанимиз мустақиллиги учун бор куч-қувватини аямаган бирор бир фахрий, бирор бир киши унутилмаслиги кераклиги, уларнинг ҳар бирига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши шарт"лиги белгилаб қўйилди. Дарҳақиқат, инсон хотираси муқаддас, кадр-қиммати азиз ва муътабардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда таъкидланганидек, халқимиз кадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни химоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларни давом эттириш ва тинчликни, омонлик керак, деб яшайдиган баърикенг халқимизга ҳоз азалли қадриятдир.

Бутун дунёда миллионлаб инсонлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини ҳеч ким унутмайди. Ушбу беаҳмақ урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан зиёди ҳалок бўлганини халқимиз ҳеч қачон ёддан чиқармайди. Уруш бошланиши билан фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга қўчирилган бир миллионга яқин оила ва болаларни қабул қилиб, охириги бир бурда ноини улар билан баҳам кўрган, "Сен етим эмассан" деб ўз бағрига олгани халқимизнинг нақадар олжаноблигини, меҳрмуруватини, юксак маънавиятини яққол намоян эъти.

Урушларда ким галаба қозониб, ким мағлуб бўлишидан қатъи назар, ўзаро низолашаётган томонлар учун инсоний, сир-ёсий ва иқтисодий йўқотишлар бўлиши муқаррар. Масалан, Иккинчи жаҳон урушида ўша вақтда Ер юзи аҳолисининг уч фоизини ташкил қилувчи 60 миллионга яқин киши ҳалок бўлди. Бир қатор Европа мамлакатлари ўз аҳолисининг 10 фоизидан айрилди. Ғолиб мамлакатлар ҳам қатта инсоний йўқотишларга дучор бўлди. Урушнинг энг қатта йўқотиши бу жамиятдаги қадриятларнинг ўзгаришида намоян бўлади. Биринчи жаҳон урушидан кейин Европада "Йўқотилган авлод" пайдо бўлган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши ҳам Хиросима ва Нагасаки тимсолида инсоният тарихида "қора из" қолдирди. Шуниси эътиборлики, Ўзбекистонда қабул қилинган тарихий қарордан беш йил ўтиб, яъни 2004 йил 24 ноябр кунини БМТ Бош Ассамблеяси резолюция қабул қилиб, унда Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасини 8 ва 9 май кунларини Хотира ва Ярашув кунини сифатида эълон қилиш белги-ланди.

БМТ тавсиясига кўра Европада 8 май кунини Иккинчи жаҳон урушида қозонилган галаба нишонланади. "Қўхна китъа"да 8 май "Хотира ва Ярашув кунини" сифатида байрам қилинади. Тadbirlar Франция, Буюк Британия, Нидерландия, Шаркий ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида бўлиб ўтади. Европа мамлакатлари орасида Францияда 8 май Шарль Де Голль давридан бери дам олиш кунини деб белгиланган. Иккинчи жаҳон уруши даврида Франция 300 минг кишидан айрилди.

Буюк Британияда асосий тadbirlar Лондоннинг Уайтхолл кўчасида бунёд этилган ёдгорлик олдига бўлиб ўтади. Анъанавий бошқа, тadbirlar мамлакат сий-сатчилари, қиролчи оиласи аъзолари иштирок этади.

АҚШда 8 майда нишонланадиган байрам "Европада галаба кунини" деб номланади. Байрам тadbirlari Виржиниядаги ҳарбий аэродромда бош-ланадиган парад ва тақдирлар билан боғлиқ. Поляда эса асосий тadbirlar Гданьск шаҳрида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 16

апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбат-тириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори нафақат уруш ва меҳнат фахрийларини, балки бутун Ўзбекистон ахлини тўлкинлантириб юборди. Айни вақтда мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган кўтаринки руҳдаги, юқори савиядаги тadbirlar шундан далолатдир.

Бутун дунё халқларининг эзгу орзуси, хоҳиш-иродаси битта. У ҳам бўлса, уруш ҳеч қачон, ҳеч қандай шаклда қайтарилмасин, деган истак-талабдир. Бундай истак, бундай мақсад жаҳондаги барча халқларнинг манфаатларига тўғри келади. Ҳеч бир халқ урушини хоҳламайди. Зеро, бизнинг халқимиз ҳам тинчлик ва омонлик керак. Фақат тинчлик ва осойишталик бўлган, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳукм сураётган давлатда, жамиятда фаровон ва бахтли ҳаёт қилиш мумкин, энг эзгу орзу-мақсадларга етишиш мумкин.

Бутун ер шарининг турли бурча-ларида кузатилаётган қирғин-қирғин, қуролли тўқнашувларни кузатар эканмиз, тинчлик хали ҳам замонанинг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолаётганини англаймиз. Зеро, она сайёрамизни урушлардан, зўравонликлардан, жиноятлардан холи қолди қўришни истаган бирор бир инсон бўлмаса керак.

XXI аср - уруш ва зўравонликлардан холи аср бўлиши керак. Бунинг учун инсоният ахли бузғунчилик билан эмас, балки бунёдкорлик билан яшаши керак. Биз ер шарини деб атаётган каттақон оилада тинчлик-хотиржамликка яшаниш ўз олдимишга мақсад қилган ҳолда, ҳар қандай урушларга қаршимиз.

Шукурки, тинчлик-осойишталик барқарор, жаннатмонанд юрда яшамоқдамиз. Шундай экан, бундай фаровонликнинг, тўқин-сочиликнинг, хотиржамликнинг қадрига етайлик.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

Бошланиш 1-бемда

Сурхондарё вилоятида 1 минг 100 дан ортиқ кутубхона ва ахборот-ресурс маркази, 30 дан ортиқ китоб дўкони китобхоналарга хизмат кўрсатмоқда. Уй-кутубхоналар ташкил этилиб, замонавий қулайликларга эга янги китоб дўконлари фойдаланишга топшириляптир.

Термиз шаҳрида жорий йил фойдаланишга топширилган Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилояти ахборот-кутубхона маркази шулар жумласидандир. 225 минг китоб ва 5 мингта яқин электрон китоб фондига эга маърифат марказида Book-kafe ва "Китоб олами" савдо дўкони, Wi-Fi худуди ташкил этилган. Мухташам марказда бир йилда 100 мингдан зиёд китобхонага хизмат кўрсатиш мумкин.

Янги китоб марказининг фаолият бошлагани вилоятда ташкил этилган "Маърифий ойлик" шукухини янада оширди, - дейди Республика маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Ф.Шаринов. - Мамлакатимизнинг бир гуруҳ таникли ижодкорлари иштирок этган ушбу тadbirlar китоб ва китобхонлик байрамига айланган бўлган кетгани ақвол мисолдир. Мазкур ойликда таникли олим ва ижодкорлар билан қизиқарли учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда бошқа тadbirlar ўтказилди. Термиз давлат университети Денов филиалида ташкил этилган адабий учрашув навиқирон авлоднинг китобга, адабиятга бўлган қизиқшини янада оширишга хизмат қилди.

Деновда китоб маркази очилди, ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

"Ҷаҳониён" китоб маркази қурилишига 2 миллиард 700 миллион сўм маблар сарфланди.

Дунёда фикрлар тўқнашуви, глобаллашуви жараёни шиддат билан кецаётган бир пайтда мухташам китоб маркази қад ростлагани юртимизда инсон маънавиятини юксалтиришга қаратилган эътиборнинг ёркин намунаси, - дейди шоира Г.Тоғаева. - Ҳашаматли бинодо китоб дўкони, кутубхона ва электрон кутубхона учун махсус хоналар юксак лид билан қурилганига ҳавасимиз келди. Китоб мутлоасига қизиқки баландлигидан қувондик. Буларнинг барчаси аҳоли ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш юзасидан амалга ошириляётган эзгу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Тadbirlar доирасида сурхондарёлик ёш ижодкорлар баёни - "Кенглик оҳанглари" китобининг тақдироти ҳам ўтказилди.

Маънавият ва маърифат шоднаеси 9 май - Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам тadbirlari улаиб кетди.

Айни пайтда Денов туманида 9 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 650 дан ортиқ фронт орти меҳнат фахрийси яшайди. Уларнинг жанг майдонлари ва фронт ортида кўрсатган мард-лиги, матонати бутунги навиқирон авлод учун том маънода жасорат мактаби вазиғасини ўтайтир.

Тadbirlar Сурхондарё вилояти хокими Э.Турдимов туманда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига Президентимизнинг байрам табриғи, қимматбахо совғаси ҳамда пул мукофотини тантанали топширди.

Кўрсатиляётган бундай эътибор ва эъоз бизга куч-қувват бағишлаб, ёшларимизга ёш қўшмоқда, - дейди тумандаги Оккўрвон маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Йўлдош бобо Холматов. - 98 ёшни қаршилайдим. Президентимизнинг шахсан ўзлари бизни йўқлаб, байрам табриғи йўлагани ва қимматбахо совғалар билан сийлаганидан жудаям хурсанд бўлдик. Ўзимизни янада бардам ва тетик ҳис эта бошладик. Юртимиздаги тинчлик ва ободликни ёмон қўзлардан Яратганининг ўзи асрасин!

Тadbirlar доирасида ҳарбий парад, кўрғазмалар ташкил этилди. Уруш ва фронт орти меҳнат фахрийлари учун байрам дастурхони ёзилди. Қизиқарли концерт дастури тadbirlarга ўзгача шуқуҳ бағишлади.

Холмўмини МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА муҳбири, ЎЗА олган суратлар

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАР



Собик бош муҳаррир ва қатта дўстимиз Сафар ака Барноев билан "Гулхан" журналида бирга ишлаган чоғларимиздаги воқеаларни хаёлимдан бир-бир ўтказар эканман, хотира уйғонса гўзал, деган иборанинг нечоғлик ҳақиқат эканлиғига ич-ичимдан амин бўлдим.

Ил солган айриликлар пардаси туғайли анча хира тортиб қолган хотирам кўзгуси Сафар ака билан боғлиқ воқеаларни эслаганим сари тиниклашиб, дилим равшан тортиди, қалб хаяжон тўлкинида қолди. Қаламим тихирлик қилмасдан қоғоз узра йўрғалаб кетди...

Болалардек Ёзувдор эди

Таниқли болалар ёзувчиси Сафар Барноевни эслаб

Индинга шанба-ку, майлими, эртага ёзиб берсам, - сўрадилар қувнок овозда.

- Йўе, қийналиб қолмайсизми, шундоғам ишингиз кўп, - дедим хижолат тортиб.

- Э, сингил "Гулхан" учун вақт топшимиз шарт. Ахир у ҳаммамизга ижод бешиғи бўлган қадрон журнал. Сиз бемалол бошқа саҳифаларнинг ташвишини қилаверинг, керак бўлса, ўзим ёрдамлашаман. Авваллари Сафар ака билан "Тонг юлдузи" газетаси, "Гунча" журнали тахририятларида ҳам учрашган селом-алиқ қилардим. Бирок ҳозир у кишидан бунчалик хайрихоҳликни кутмаёқдим. Тўқилганиб кетдим. "Қанийди, шунақа бош муҳарриринг бўлса", деб қўйдим ичимда.

Буни қаранг-ки, журналининг Сафар Барноев ёзиб берган "Йиллар қарвони" сарлавҳали бош мақола чоп этилган 1995 йил январ сони муаллифининг бош муҳаррирлиғида чоп этилди.

Муассис тақлифи билан "Матбуот уйи"дан Хадрага "Навоий-30"га қўчиб келган дастлабки пайтларда бу ерининг шарт-шароитига қўниқимиз анча қийин бўлди. Ана шундай қунарларнинг бирида хонамга кирсам, кечқурун тозалаб, артиб кетган иш столим усти хас-хашак, қуш патлари билан тўзиб ётибди. Жаҳл билан тепага қарадим! Шифтдаги хиранина ёнадиган қандил устига бир дўмбоқина мусича бемалол жойлашиб олибди.

- Ха, қўнглингни кўчаси. Ўргилдим, сендака чакрилмаган меҳмондан, битта сен етмай турувдинг ўзи. Мен шифа орқасида турган шавбара билан уни қувмоқчи бўлдим.

- Хай-хай, Мухаббатхон, меҳмон атойи худо, хайдаш уят бўлади. Қўзларини қаранг жовдирашини. Бу қушни Фотима онамиз жуда яхши кўрган эканлар. Демак, унда бир хосият бор. Агар дераза дарчасини очиб қолдирганингда мусичан беозор бу ерга кириб сезин беозор қилмасди. "Гулхан" болалар журнали. Балки шунинг учун мусича ҳам шу ерда бола очмоқчи бўлгандир. Бунда ўзгача маъно бор. Манай, мани айди дерсиз. Энди ишимиз юршиб бойиб кетамиз. Журналимиз адади ҳам ошиб кетади. Хайрили иш бу. Мусича тухумларини очгунича индамаймиз, -

Ха, қўнглингни кўчаси. Ўргилдим, сендака чакрилмаган меҳмондан, битта сен етмай турувдинг ўзи. Мен шифа орқасида турган шавбара билан уни қувмоқчи бўлдим.

Сафар ака барри кенг устозлардан эдилар. Халқ

таълими вазириликда хизмат қилиб юрган чоғларида Қашқадарё вилоятининг, Чирокчи туманидаги мактаб ўқувчиси Дилфуза Шодийёровани кашф қилдилар. Ундаги истеъдодни биринчилардан бўлиб пайқадилар. 9-синфдагидаёқ утча китоби чиққан Дилфуза Сафар аканинг сайёҳаракати, ишончи, тавсияси билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлди. Дилфуза Нафис санъат лицейида ўқиётганида ҳам, журналистика факультетига ўқишга киргач ҳам Сафар ака унга худди отадек раҳмўрлик қилди. "Гулхан"да ёнига олиб иш ўргатди. Болалар адабиётининг Ҳамза Имомбердиев, Абдурахмон Акбардек моҳир шоирлари ҳам Сафар акани ўзларига устоз деб билишарди. Бугун халқимизга яхшигина танилиб қолган Фахриддин Хайит, Носир Боймирзаевларнинг ҳам адабий, журналистикада аъ ўрнини топишида Сафар Барноевнинг хизмати бекиёс. Яхшидан боғ қолади, деганлари шу бўлса керак. Унинг ҳар бир шоғирди, у яратган бонинг серқосил бир дарахти. Улар ижодида устознинг ҳаёти давом этаётгандай.

Мухаббат ҲАМИДОВА, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

# МУЛК ХУКУКИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛСА

## ► ФАРМОН ВА ИЖРО

Ҳеч эътибор берганмисиз, кўпинча кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватида яшовчи айрим одамлар ўзбошимчалик билан қўшимча иморатлар қуриб олишади. Турган гапки, бундай қурилишлар учун ҳеч кимга рухсат берилмаган. Бироқ...

Дўстларимиздан бири уйланиб, янги уйга кўчиб ўтди. Бордик. Икки хонали шинамгина уй. Меҳмон бўлиб, бахт тилаб қайтдик.



Орадан ярим йилча вақт ўтди. Яна бир бахонайи сабаб билан ўша дўстимизнинг йўли-миз тушди. Биринчи қаватда эмасми, "дангиллама" қилиб ён томону "балкон"нинг олди қисмига яна иккита хона қурибди.

Ҳовли томондаги ўз йўлига, бироқ унинг ён томонидаги машиналар ўтиш йўли анча торайиб қолган. Махалла йўлини ноқонуний ўзлаштириш натижасида юк машиналари ёки давлат хизмат машиналари (ўт ўчирувчи, қурилиш техник машиналари) ўтолмайди ҳолат юзага келган. Лекин, билишимизча, ҳеч ким бунга эътироз билдирмаган...

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир мартали умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Ушбу ҳужжат билан танишиб, давлатимизнинг фуқароларни ҳар томонлама ва изчил ижтимоий қўллаб-қувватлаётгани, ислохотлар халқ манфаатидан

келиб чиқиб амалга оширилганга яна бир бор амин бўлдик.

Айтиш керакки, 2009—2017 йиллар мобайнида 81 992 та уй қурибди. 6624 та уй-жой массиви барпо этилди. 2016 йилдан бошлаб қишлоқ аҳолиси учун янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши юзасидан давлат дастури амалга оширилмоқда. Биргина 2017 йилнинг ўзида қишлоқ жойларда 18 мингдан ортиқ уйлар ўз эгаларига топширилди. Хозирда халқаро стандартларга тўла мос келадиган замонавий ва арзон уй-жойлар қуриш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Бу аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларда мулк ҳуқуқини маданиятини шакллантиришдаги саъй-ҳаракатларнинг амалий нфодасидир.

Аммо кишининг дилини хира қиладиган ҳолатлар, айрим фуқаролар уй-жойга эга бўлиш ва қурилишнинг қонуний механизмлари борлигига қарамай, йиллар давомида ер участкалари ёки кўп қаватли уйларнинг ўзига тегишли бўлмаган қисмига ўзбошимчалик билан қўшимча қурилишлар қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Эҳтимол, бу каби

ҳолатларга тегишли органларнинг бепарволиги ҳам сабаб бўлаётгандир.

Қабул қилинган Президент фармони мазкур масалаларга оид қишлоқ қириқибгина қолмай, фуқароларнинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатларига мулк ҳуқуқини бериш бораборида мулк қонунийлигини яна бир қарра мустаҳкамлади.

Эндиликда жисмоний шахслар ўзига тегишли бўлмаган ер участкасида қурилган уй-жойи учун мулк ҳуқуқини суд томонидан эътироф этилади ва бир қатор шартлар билан қатъий тартибда мулк ҳуқуқини берилади. Буни амалга ошириш учун ҳудудлардаги ер-кадастр ва бошқа тегишли ташкилотлар вакиллари комиссия тартибда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларни ўрганади. Фуқаролар мулк ҳуқуқини олиш учун комиссияга мурожаат қилади. Комиссия ўрганилган объектларни қонун доирасида рамиёлаштириб, ҳудуд ҳокими-янига фуқаро аризасига биноан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича таклиф билан мурожаат қилади.

Айтиш лозимки, фармонда қўзда тутилган бир марталик умумдавлат акцияси 2019 йилнинг 1 майига қадар давом эта-

ди. Шу ўринда, қурилган турар жой объектлари қонунга мувофиқ келиши, турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонига жойлашмаган бўлиши, шаҳар-созлик талабларига тўла жавоб бериши ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузмаслиги, шунингдек, инсон ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдирмаслиги даркор. Аксича бўлган ҳолларда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга эгалик ҳуқуқини эътироф этишда энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорда тўлов ундирилади.

Хозирги кунда республика-мизда Ер кодексида биноан бир оила учун 6 сотих ер майдони умрбод эгалик ҳуқуқини билан берилади. Лекин амал-даги қонулар четлаб ўтилиши

Юрт равнақи, мамлакат тараққиёти бевосита унинг фуқаролари ҳаётига, кайфиятига боғлиқ. Қонун устувор бўлган жамиятда ҳақиқатида фуқаролар манфаатидан келиб чиқиб иш қилинади. Халқ ҳам ўз навбатида давлат қонунларини суистеъмол қилишдан тийилди. Уй-жой қуриш, ўзбошимчалик билан ер майдонларини ўзлаштириш ва турли ноқулайлик ҳолатлари юз бермайди. Бугун фармонга асосан рухсатсиз қурилган иморатларга берилмаётган мулк ҳуқуқини эртанги қонун устуворлигининг гарови бўлиб қолади.

Шавкат ОДИЛҲОЖ

## ► СОЛИҚ ПОЧТАСИДАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ этишнинг муҳим йўналишлари сифатида солиқ мажбуриятларини бажаришда солиқ тўловчиларга ҳар томонлама қўмақлашиш, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва солиқ тўловчилар ҳуқуқий маданиятини ошириш, солиқ назоратининг замонавий услубларини жорий этишдан иборатлиги белгиланган.

## "Ишонч телефони" — қонуний манфаатлар ҳимоячиси

Бугунги кунда давлат солиқ хизмати органларида жорий қилинган "Ишонч телефони" қонуни ва қонун ости ҳужжатлари талабларига риоя этмай фаолият юритаётган тадбиркорлар билан солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ўтказилишида ҳамда мурожаат этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.



Хусусан, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси ва туман солиқ инспекциялари "Ишонч телефони"га жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича жами 203 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 184 таси ўрганиб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, "Ишонч телефони"га қилинган мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни талаблари асосида кўриб чиқилади. Ушбу қонуннинг 6-моддасига биноан мурожаатда жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаганда ёхуд сохта маълумотлар кўрсатилганда мурожаат аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

"Ишонч телефони"га қилинган мурожаатларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш орқали фуқароларимизнинг бугунги кунда кўпроқ нималар безовта қилаётгани, солиқ идораларни билан улар ўзларининг қайси масалалар бўйича фикр алмашиш ниятида эканликларини билиб олашади.

Жумладан, 47 та мурожаат савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида терминалларнинг ишламаётгани ёки шу билан боғлиқ муаммолар ҳақида, 109 та мурожаат эса назорат қасмидан савдо ва хизмат кўрсатиш ҳолатлари бўйича ва 17 таси фуқаролар томонидан тегишли ҳужжатларсиз махсулотлар сотиш, хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шикоятларга тўғри келса, қолганлари бошқа маззудаги мурожаатларни ташкил этади. Мазкур мурожаатлар асосида барча ҳуқуқбузарлар билан тушунтириш ишлари ўтказилиб, уларга расмий огоҳлантириш хатлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 119-моддаси 1-қисмига кўра фискал хотирли назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни ишлатиш карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурийдир. Айни ҳолда уларни ишлатмасдан савдо қилиш, ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек сотиб олувчи қвтанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилиш ва хизматлар кўрсатиш энг кам иш ҳақининг (172 240 сўм) ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солинига сабаб бўлади.

Кўриниб турибдики, фуқароларимиз "Ишонч телефони"га мурожаат этиш орқали нафақат ўз манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар, балки юртимиз аҳамиятига эга бўлган ижтимоий-иқтисодий масалаларни халқ этишида фуқаролик бурчларини бажараётганлар.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир мурожаатга ўз вақтида муносабат билдириш, кўрсатилган ҳолатлар юзасидан тегишли чоралар белгилашни фуқаролар қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини оширади. Бу эса жамият ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шавкат ТУРДИЕВ,  
Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси  
бошлигининг биринчи ўринбосари

# "Е" Қўшимчалар: нафи борми, зарари?

## ► ОГОҲ БЎЛИНГ!

Савдо пештахталаридаги турли ширинлик, сақичу ичимликлар ҳар қандай бола-нинг эътиборидан четда қолмайди. Улар таркибидagi зарарли қўшимчалар ҳақида эшитган бўлсак-да, баъзан нимадир олиб беришга мажбур бўламиз. Оқибатда болаларимиз тез-тез қорин оғриги, ич кетиши, кўнгил айнишидан шикоят қилишади. Биргина улар эмас. Сифатсиз ва таркибида соғлиқ учун хавфли қўшимча моддаси бўлган махсулот сабаб биз, катталар ҳам баъзан ҳолдан кетиб қоламиз.

Статистик маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили дияресе (ич кетиши) сабаб 1,8 миллион киши вафот этади. Бугунги кунда 200 дан ортиқ касалликларни келтириб чиқарувчи асосий омил бевосита озик-овқат махсулотлари, уларнинг таркиби ва сифати билан боғлиқ. Кўпгина мамлакатларни ташвишга солаётган муаммолардан бири ҳам зарарли, истеъмолга яроқсиз, хавфли қўшимчалар билан тўйинтирилган озик-овқат махсулотлари масаласидир.

Айтиш керакки, сўнгги йилларда бошқа соҳалар сингари озик-овқат махсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида ҳам янги-янги ёндашувлар юз берди. Кўпгина егулик ва ичимликлар таъминини сунъий равишда яхши-лаш, сақланмиш мuddатини узайтириш учун уларга турли зирavorлар қўшиш, кўзни қувватлаб, иштаха очар қўринишини яратиш мақсадида кимёвий ишловлар берилиши туфайли инсонлар-

нинг соғлиғини ва ҳаётига таҳдид пайдо бўлди.

Озуқавий қўшимчалар махсулотларга алоҳида хид (ароматизаторлар), ранг (красител), таъм бериш, истеъмол қилиш мuddатини узайтириш (консервантлар) ҳамда муайян шаклда сақлаш мақсадида қўшилади. Фарб мамлакатларида 1953 йилдан бошлаб озукавий қўшимчаларни классификация қилиш тизими йўлга қўйилган. Ҳар бир қўшимча «Е» харфи билан ("Европа" сўзининг бош ҳарфидан олинган) бошланувчи махсус рақамга эга бўлиб, уларга рақам бериш мезонлари халқаро Алиментариус Кодекси орқали ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Айтиш жоизки, сунъий қўшимчаларнинг ҳаммаси ҳам хавфли эмас. Масалан, Е200-299 — консервант (консервантлар озиқ-овқатни музлашдан сақловчи моддалар махсулотни микроблар ва замбурурлардан ҳимоялаб, сақлашни мuddатини узайтиришга қўмақлашади, Е300-

399 консерванти озик-овқатларни оксидланишдан асрайди. Аскорбин кислотаси (Е-300) табиий консервант сифатида қўлланади. Мева-сабзавотлардан олинган бўёқлар, баъзи куюқлаштирувчи ва эмульгаторлар (пектин, ванилин, лецитин) болакайлар учун мутлақо зарарсиздир. Аммо мейрдан ортиқ бола организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, ксилит (оксаин пўстловидан олсиниб, шимадиган конфет ва сақичлар таркибига қўшилади-ган табиий ширин қилувчи модда) ичак тизимида муаммолар юзага келишига асосий сабабчилардан биридир.

Озик-овқат қўшимчалари бўйича экспертлар бирлашган қўмитаси томонидан хавфли деб топилган сунъий кимёвий таркиблар ҳам борки, уларни истеъмол қилиш билан турли чўғни каспшдай гап. Уларнинг айримлари (масалан, Е250, Е251) аллергия ва турли яллиғланишлар билан касалланишга, бош оғриғи, жигар хасталаниши, жакдорлик, мадорсизликка сабабчи бўлса, баъзилари, хусусан, Е231, Е232 кодли қўшимчалар турли тери касалликларини келтириб чиқаради.

Масалан, ҳар бир хонадонда таом тайёрлаш учун қадокланган зирavorлардан фойдаланилади. Улар исталган таомга хушбўй таъм ва ёқимли хид бахш этади. Бироқ зирavorлар таркибида ҳам ўйлаб ишлатишимиз лозим бўлган

фаол қўшимчалар мавжудлиги ҳақида деярли эшитмаганмиз. Тез тайёр бўлувчи махсулотлар, қуруқ шўрвабop восита ва зирavorлар, қайла ва яримфабрикатлар тайёрлашда аскетувчи Е621 кодли таъм кучайтиригич натрий гулутамати мавжуд. Тадқиқотларга кўра, у кўрши қобилияти ва бош миёга шикаст етказиши, аллергия реакцияларини ривожлантириши мумкин. Шу сабаб у болаларга қатъийан маън этилади.

Шунингдек, гўшт ва қандолат махсулотларида фойдаланиладиган Е126 ва Е127 индексли ранг берувчи ва консервант қўшимчалар ичаклар табиий микрофлорасига путур етказиб, моддалар алмашишуви бузилиши, жигарнинг зарарига сабаб бўлиши мумкин. Онкологик ва юрак-томир хасталикларини пайдо бўлиши эҳтимолли ҳам юқори.

Олиб борилган излашлар натижасида озукавий қўшимчаларнинг айримлари инсон саломатлигига жиддий таъсир кўрсатиши, ҳатто хавфли касалликларни келтириб чиқариши маълум бўлди. Шу боис ҳам кўпгина давлатларда баъзи озукавий қўшимчалардан фойдаланиш мутлақо таъқиқланди. Улар қаторига Е121 (2-пиретрус кизил ранги), Е123 (қизил амарант), Е128 (қизил бўёқ), Е216 (консервант), Е217 (консервант) ва Е240 (консервант) киритилган. 2005 йилдан бундан ишлатилиши таъқиқланган Е216 ва

Е217 консервантлари турли ширинликлар, гўшт махсулотлари ва ярим тайёр таомларда кенг фойдаланилган. Тадқиқотлар натижасида ушбу қўшимчалар организмда хавфли ўсимталарни пайдо қилиши аниқланган.

Озик-овқат қўшимчаларини хоридан олиб келиши, уларни ишлаб чиқариш ва қўллаш Ўзбекистон Республикасининг "Озик-овқат қўшимчаларини ишлаб чиқариш ва ишлатилишини меъёрлашга бўлган гигиеник талаблар" санитар қондаларида белгилаб берилган.

Озик-овқат қўшимчаларининг қабул қилинган меъёрлари бажарилгани Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган технологик йўриқнома-ларда ва махсулот рецептурасида белгилаб, унинг назорати махсулот ишлаб чиқарувчилар зиммасига юкланган.

Мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида бўёқ Е128, консервантлар Е216, Е217 ҳамда болалар ва ўсимлар саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи консервантлар Е242-диметидикарбонат, Е237-формат натрий, Е238-формат кальций кабиларнинг махсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланилиши таъқиқланди.

Бугунги кунда Е123, Е510, Е510, Е527 кодли қўшимчалар зарарли озик-овқатлар рўйхатининг ўта хавфли қаторидан ўрин олган. Е 270 эса болалар учун хавфлидир. Улар орасида буткул таъқиқланганлари ҳам бор — Е103, Е105, Е111, Е121, Е123, Е125, Е126, Е130, Е152, Е211, Е952.

Шу ўринда, озукавий қўшимчаларнинг фойдасидан зарари кўп экан, нега улар ишлаб чиқарилади, деган савол туғилади. Гап шундаки, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган махсулотлар йил сайини кўпайиб бораётган дунё аҳолиси эҳтиёжларини тўла қондорилмайди. Шунингдек, озукавий қўшимчаларни табиий равишда ишлаб чиқариш катта харажатни талаб қилади. Шу боис, бугун уларни кимёвий йўл билан ишлаб чиқариш муаммонинг асосий ечими бўлиб қолмоқда.

Нима қилмоқ керак? Аввало, фарзандларимиз ва оила аъзоларимиз саломатлигига зарар етказмаслик учун харид қилаётган ҳар бир махсулот таркибини ўрганишни унутмаслик лозим. Махсулотга қўшилган модда миқдори қадокда берилмаган бўлиши мумкин. Аммо уни рўйхатдаги ўрнига қараб билиш қийин эмас. Чунки махсулотлар солинган миқдорига қараб, тепадан паства ёзилди. Махсулотнинг калориялигига эътиборли бўлишни ҳам ёқдан чиқармаслик зарур. Болалар учун озик-овқат махсулотларини харид қилаётганда эса ширин ва ёғли махсулотлардан тийилган афзал.

Г.ТУРСУНОВА



# АЭРОЛАРГА ғувоҳ бўлган ғўшалар

Бошланғич 1-бетда

**А**лбатта, ҳақиқат таққосланганда намоён бўлади. Эътиборимизни тортган жиҳатлар ҳақиқатда гапирсақ, Қозоғистонда (Жанубий

Қозоғистон вилояти ҳудудида) шаҳарлараро автомобиль йўллари ҳавас қилгудек равишда экан. Чимкент, Туркистон каби қўшни шаҳарларда панно, баннер ва лавҳалардаги ёзувлар қозоқ ва рус тилларида битилган. Бизда, Тошкентда эса, негадир, инглиз тилидаги ёзувлар устувор бўлгандай. Узоққа бормайлик: ушбу сафаримизни ташкил этган МЧЖ "Silk Road Asia Travel" деб аталади. Жаҳмият раҳбари Бахтиёр Шомамудовдан "Шундан кўра ўзбекчага "Ипак йўли" деб қўя қолмайсизми?" деб сўрасақ, "Бизгача шундай ном бор эканда" деб жавоб қилди. Афзал кўрилган инглизча бўлса, МЧЖ европалашиб қоладики? Чиройли ном топишда қийнасангиз биз, журналистларга мурожаат қилмайсизми? Умуман, юртимизда ҳар хил субъектларни инглиз тилида атагандан кўра жозибдор ва оҳангдор ўзбекча атаганингиз яхши эмасми? Ўзга эллардан келган меҳмонлар ўзбекча номга кўзлари тушса, маъносини сўраб тилимизни ўргансалар янаям яхши.

Кўшниларга қайси томонларимиз ибрат бўлиши мумкин, деган саволга ҳам жавобларимиз бор. Қозоғистон заминининг шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб ўтар эканми, хонадонлар ҳовлисида томорка ҳўжалиғига эътибор берилмаганига ишонч ҳосил қилдик. Яна бир жиҳат: бу ерда фойдаланиладиган автомобиллар юз фоиз чет элдан ишлаб чиқарилган. Кўплаб автомобиллар эски. Тўғри, автомобилсозлик санъати йўлга қўйилмагани барчага маълум. Шу жиҳатдан Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларида ярқираган машиналаримиз кўзини қувонтиради.

Чимкентдан ўтиб Сайрамдаги ўзбек драма театрига кириб, ўзбек миллий маданият маркази фаоллари билан қизғин мулоқотда бўлдик. Кеча бу ерда кайноналар танлови бўлиб ўтибди. Биз борган лаҳзаларда "Суперкелинджак" танлови бошланибди.

Бу хил оммавий тадбирлар Қозоғистонда ўзбек халқ удумлари ва анъаналари барқарорлигини таъминлайди. Сайрамдаги илк зиёратимиз Х-ХI асрда бунёд этилган Иброҳим ота макбарасидан бошланди. Бу зот Шарқнинг буюк мутафаккири Аҳмад Яссавийнинг отаси экан. Аввал отанинг макбарасини зиёрат қилиш азалий қадриятимизга мосдир. Иброҳим ота эрта етук ёшга етган фарзандига "Ўғлим, илминг биздан ошиб кетибди. Бу ерда қолмагин, бир туяга ўтир, у қаерга қўйса, ўша ер сен яшайдиган манзил", дебди. Аҳмад Яссавий шу тариқа эл назарига тушибди.

Сайрамнинг яна бир жойида Қорасоч она (Аҳмад Яссавийнинг онаси) макбарасини ҳам зиёрат қилдик. Онанинг руҳи покни шод этиш мақсадида Қуръон тиловат қилинди. Бу ердан Чимкент орқали Арслонбоб сари йўлга чиқдик. Йўл юриб, йўл юрсақ ҳам мўл юриб, машҳур аждоғимиз Абу наср Фаробий ватани Уттор манзилгоҳидан ўтдик. Шу лаҳзада академик Азиз Қаюмов вафотидан саноқли кунлар олдин тахририятимизга келганда айтган сўзлар едимизга тушди. Ушунда академик шундай деганди: "Тошкентдан унча узоқ бўлмаган жойда яшаган Фаробий мероси тўлиқ ўрганилмаган. Еш олимларимиз фандаги бу бўшлиқни тўлдирингиз керак". Уттор деганда йирик шаҳардан кўра, бир неча аср муқаддам вайрон қилинган харобани кўз олдингизга келтирасиз. Қаранг, Чингизхон кўшнилари ХIХ аср ўрталарида бу ердаги шаҳарни тен-текис қилиб ташлаган экан, бу ҳақда ўйлаганда ҳозирги тинч-осойишта замонда яшаётганимизга шукроналар айтаемиз. Бизга айтишларича, соҳибқирон



бобомиз Амир Темур шу ерда хасталик туфайли умрининг сўнгги кунларини ўтказган экан.

Арслонбоб зиёратгоҳида асрий хонақоҳларни кўздан кечирдик. Макбараларда дафн этилган улуг аждоғлар ҳақида тиловат қилдик. Яссавийдек славянлар ҳам кўлайиб бораётган экан. Улар ҳам биз қатори қўлларини очиб дуо қилишпайти, зиёратга келганларидан кўнгиллари хотиржам бўлмоқда. Албатта, уларнинг бари бошқа динга ўтмагандир, ҳар ҳолда мусулмон олами пешволарининг эътиқодини ҳурмат қилиб, маҳаллий аҳоли маънавиятини эътироф қилишпайти.

Сафаримизнинг иккинчи кунини Туркистон шаҳридан 55 километр наридаги Бобойқўрғон қишлоғи ҳудудида Қорабоб эътиқодига жойлашган Укаша ота қадимжоси сари йўл олдик. Ривоятларга кўра, Укаша ота

Пайгамбаримизнинг саҳобаси бўлган экан. Асли Маккада туғилган бу зот Муҳаммад пайгамбарга: "Оёнингизга кирган тикан менинг мангайимга қадалсин" дея садоқат кўрсатар экан. Пайгамбар ҳам: "Ким мени кўрмоқчи бўлса, Укаша отанинг юзига қарасин" деган экан. Бу мухтарам зотнинг қарағўйлари ўлдирингиз уришибди. Лекин на ўқ, на қилч таъсир этмасмиш. Ганимлар Укаша отанинг аёлидан "Қачон у заифланади?" деб сўраса, "Бомдод номози пайти" деган жавобни айтибди. Укаша отанинг душманлари айтишга пайти қилч билан отанинг бошини танасидан жудо этишибди. Мўъжизани қарангки, отанинг боши думалаб икки тепалик нарига бориб чуқурга тушиб кетибди. Худди шу ерда қудук хосил бўлиб, ундан бутун ҳам сув чиқаркан. Ушбу сув Маккадаги зам-зам булоғи билан боғланган эмиш. Сафардошларимиз орасида қуч-қувватга тўларлари Укаша қудуғига бориб келишди. Обиҳаёт манбаси ёнида 300 қорли зиёратчилар навбатда туришган экан.

Тонгги зиёратдан қайтиб Туркистон шаҳрига яқинлашганимизда бизга шу ерлик депутат, Қозоғистонда таниқли меценат Раҳимжон Тангрибергенов пешвоз чиқди. Бизни Туркистон саноат-педагогика коллежи жамоаси кутиб турганини айтди. Шу пайтгача мамлакатнинг ўтмиши билан танишган бўлсак, бу ерда Қозоғистоннинг бугуни, балки келажиги билан мулоқот қилдик. Минг нафарга яқин ўқувчи тахсил олаётган коллеж вакилларига Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим ислохотлари ҳақида гапириб бердик. Айрим ўқувчилар билан савол-жавоб қилдик. Хуллас, ёш авлод вакиллари билан учрашувимиз ҳар

икки томон учун мароқли ўтди.

Сафаримизнинг қаймоғи — Хўжа Аҳмад Яссавий макбараси ҳар томонлама хайратимизни оширди. Ушбу тарихий обиде Ўзбекистон фахри-ғурури Амир Темур бобомиз шижоати билан Яссавий вафотидан икки ярим аср кейин барпо этилган экан. Туркистон шаҳрида жойлашган Хўжа Аҳмад Яссавий макбараси Қозоғистон ва Ўрта Осиё тарихи ва меъморчилигининг энг ноёб ёдгорликларидан биридир. Бу Амир Темур бунёд этган тўрт ишоотдан бизгача бусбутун етиб келган ноёб ишоотлардан биридир. Макбара "ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхати"га киритилган.

Хўжа Аҳмад Яссавий ислом таълимотининг энг фаол тарғибчиларидан бўлиб, ўз асарлари орқали туркий халқлар ичида сўфизмнинг тарқалишига катта ҳисса қўшган. Халқнинг шеърини шаклландирган кенг фойдаланган содда сатрларида ислом дунёқараши асослари, жамиятда ахлоқнинг тубанлашуви ва дунёнинг номуқамаллиги баён қилинади. Хўжа Аҳмад Яссавий наҳот истаб келган одамларни шукрона қилишга ундади, мунофиқлик, турхал балоси, ёлгончиликни қоралайдди. Ул зот 1166 йилда вафот этгандан кейин унинг қабри зиёратгоҳга айланди. Замонлар ўтиб бу жой бутун мусулмон оламнинг муқаддас қадимжоларидан бири бўлиб қолди.

Қабр устида илк макбара ХI асрнинг иккинчи ярмида тикланди. Макбаранинг марказий бўлимида уста Абдул Азиз ибн Табризий томонидан қуйилган улкан қозон жойлашган. Қозондаги ёзувларга кўра ушбу буюм Амир Темур топиширига биноян 1399 йил 25 июнда тайёрланган. Қозон баландлиги 158,3 сантиметр. Энг катта диаметри 243,4 сантиметр. Қозон оғирлиги икки тонна атрофида бўлиб, 3000 литр сувни сиғдиради. Бир вақтлар жума намозидан кейин намозхонларга атала шу қозондан тарқатилган. Эҳ-ҳе, бу зиёратгоҳлар неча юз йиллардан буён бағрига одамларни қабул қилади. Шундай таассурот туғиладики, Яссавийнинг неча асрдан буён дафн этишолмаётгандай.

Ҳаётнинг қонуни шундай: ким элу халқ учун савоб, эзгу ишларни бажарган бўлса, унинг номи асрлар ўтиб ҳам яшайверади. Биз кўхна заминнинг табарқур жойларини зиёрат қилиш асносида бунга ишонч ҳосил қилдик.

Шухрат ЖАББОРОВ,  
"Халқ сўзи" газетаси бош муҳаррири ўринбосари.

Суратларда: зиёратдан лавҳалар.  
Ш.Ш.ПАРАПОВ олган суратлар.

## ► БУ ТУРФА ОЛАМ

### ИЛК ВИДЕОТЕЛЕФОН НАМОЙИШИ

Илк видеоте­ле­фон на­мо­йи­ши та­ри­хи 1955 йил Сан-Францискога бориб тақалади. Day.Az сайтининг хабар беришича, Беллс Лаб то­мо­ни­дан ишлаб



чиқарилган мазкур қурилма ўшунда 5 минг фунт стерлингга баҳоланган ва "эртанги кун телефони" дея эътироф этилган.

Видеотелефон аънавий телефон қурилмаси, икки — катта ва кичик экран ҳамда камерадан ташкил топган. Фойдаланувчининг видеоқўнғироқчи амалга ошириши учун чап бурчакдаги камерага қараб гапиринчи талаб этилган. Юқоридаги кичик экран фойдаланувчи тасвирини кўрсатиб турган. Катта экрандан шовқин эшитилган, суҳбатдош рақами терилган ва алоқа ўрнатилган. Шундан сўнг катта экранда суҳбатдошнинг ҳам тасвири пайдо бўлган.

Айтиш жоизки, мазкур телефон апарати катта ҳажмли бўлгани ва турли алоҳида қурилмаларга эгаллиги учун уни қўчириб юриш имконсиз бўлган. Бироқ фан ва техниканингда жадвал ривожланиши сабаб бугун чўнтақкоп кўринишга келган бундай телефонлардан исталган ерда фойдаланиш мумкин.

### ЖИРАФА — РЕЖИССЁРНИНГ ҚОТИЛИ



"Метро" на­ши­рининг ёзишича, 47 ёшли режис­сёр Карлос Карвало ЖАРДА­ги ёввойи табиатга бағишланган янги фильмининг суратга олиш жараё­ни­да жи­ра­фа са­баб

вафот этди.

Тасвирга олиш гуруҳи аъзоларидан бирининг сўзларига қараганда, режиссёр Жеральд лақабли жи­ра­фани тепадан катта планда суратга олишни ре­жа­лаш­ти­рган. Съёмка пайти жи­ра­фа уни боши билан уриб юборган. Карвало яқин худуддаги ши­фо­хо­нага ётқизилган, ammo ши­фо­корлар уни сақлаб қо­лол­ма­ган.

Қўриқхона расмийларининг айтишича, бу бахтсиз ҳо­ди­са­да жи­ра­фани айбдор деб бўлмайди. Сабаби ҳар қандай фильмининг тасвирга олиш жараё­ни­да, ай­ни­қис­са, ёввойи табиат билан боғлиқ жараёнда, хавф­сиз­лик қоидаларига амал қилиш лозим.

Карлос Карвало ёввойи табиат ҳақида жуда кўп фильملар суратга олган. У фильmlари учун "Қумуш арслон" ва Африка кинематография академияси му­ко­фо­ти билан тақдирланган.

### INSIGHT МИССИЯСИ МАРСГА ПАРВОЗ ҚИЛДИ

АҚШнинг Калифор­ния штатида жойлаш­ган Ванденберг кос­мо­дромидан Марсни тадқиқ этишга мақсад қилинган InSight зондига эга Atlas V ра­кетаси космосга парвоз қилди. Парвоз жараёни НАСА то­мо­ни­дан тўғридан-тўғри эфирга узатилди.



InSight апарати Марс ички қатламларини тадқиқ этиш бўйича биринчи миссиядир. Зонд сайёрадаги ички жи­н­слар ва метеоритлар зарбалари ҳаракатини ўл­ча­ш учун сейсмограф ўрнатиш бир қаторда бур­ғи­лаш ишларини ҳам амалга оширади, турли тажриба­лар­ни ўтказиши. Мазкур миссия олимларга Қизил сай­ё­ра шаклланиши ҳамда ривожланиши ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Қурилма сайёралар номига эга микрочиплар билан жиҳозланган. Марсга зонд ноябрь ойида етиб бориши режа­ла­ш­ти­рил­моқ­да.

Интернет манбалари асосида тайёрланди.

## ► ЖУРГОФИЙ САЁХАТ

Ўтган соғларимизнинг бирида дунё аэропортларига саёхат қилган эдик. Бу гал ҳам ўша саёхатни давом эттирмақчимиз. Гапни ўзимиздан бошлайлик.

### ИСЛОМ ҚАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ, ЎЗБЕКИСТОН.



Ушбу аэропорт тарихи мамлакатимиздаги фуқаро авиацияси тарихига тенг (1924 йил 12 май). Илк рейси Тошкент — Бишкек — Алматы йўналиши бўйича амалга оширилган.

Ўтган йили Биринчи Президентимиз шарафига Ислам Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропорти номига ўзгартирилди.

Яқинда аэропорт биносига қатор таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 1-рақамли учини-қўнғиш йўлига фойдаланишга топширилди. Айтилишича, мазкур йўлга парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча халқаро талабларга тўла жавоб беради.

### ШОУДУ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ, ТЕРМИНАЛ-3, ПЕКИН, ХИТОЙ.



У катталиги жиҳатдан Хитойда ягона, дунё бўйича иккинчи йўловчи аэропортидир. Пекин марказидан 20 километр масофа шимоли-ғарбга қўйилган аэропортнинг икки километрли дарвозаси ва учини-майдон худди аждар кўринишини эслатади. Шиша ва металлдан ишланган гаройиб бино томи ҳар қандай йўловчини ҳушидан айириши аниқ. Аэропорт 120 йўналишда хизмат кўрсатади (юк ташувчи йўналишлари

бундан мустасно). У 1958 йил 2 мартда очилган. Айнан биз гапирётган қисми — Терминал-3 эса 2007 йилдан ишга тушган ва 2008 йилда у қарийб 36 миллион йўловчи хизмат кўрсатган. Мазкур қисмда, асосан, халқаро парвозлар амалга оширилади. Йўловчиларнинг истаган транспортдан Терминал-3 га ўтишлари учун беш дақиқа кифоя. Йўловчилар бемалол аэропортнинг ўзидан метрога тушиб, Донгжимен станцияси орқали шаҳар марказига етиб олишлари мумкин. У ерда 243 га яқин лифт, эскалатор ва траволаторлар, 292 та юкларни қабул қилиш бўлимлари борлиги ҳам йўловчиларга қўлайлик яратади. Бундан ташқари, кутми залида қурилган қишқи бог мамлакат тарихидан сўзлайди, гўё. Боси, унинг кўриниши императорнинг ёзи саройидаги боғларни эслатади. Овқатланиш бўлимида эса йўловчиларни бутун дунё ошхонаси қутади.

## "ҲАВО ДАРВОЗАЛАРИ"

### МАДРИД-БАРАХАС АЭРОПОРТИ, ТЕРМИНАЛ-4, ИСПАНИЯ.



Тўлқинсимон шифтга эга бажбук кўринишидаги аэропорт 1928 йилдан бери фаолиятини юрти­са­да, "шедевр" дея 2006 йилдан бери танила бошлади. Сабаби, айни шу йил Терминал-4 ишга тушди. Испаниянинг мазкур халқаро аэропорти ҳар йили 35 миллион йўловчи хизмат кўрсатади. Унинг ўзига хосликларидан бири аэропорт ички қисмида визуал эффектлар ердамида яратилган муҳит бор. Ойнали деворлар ва оч рангли ишланмалар бир-бирига ҳамоҳанг бўлиб, йўловчиларга хотиржамлик, руҳий енгиллик бахш этади. Мазкур аэропорт ичида 100 га яқин савдо дўқони, 30 га яқин тамаддонхона, ресторан, болалар майдончалари, банк филиаллари ва валюта айирбошлаш шохобчалари бор.

Г.ТУРСУНЎЛТОВА тайёрлади.

### ЭЪЛОНЛАР

#### "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖда

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тарти­би­да ўтказилаётган оқиқ аукцион савдосига "Фаргона ёв­вой" АЖнинг 04.05.2018 йил кунги №01/315-сонли хатига асосан техник ҳолати нозоб бўлган "УАЗ 330301" русумли, 1987 йилда и.ч, д/р: 40 467 ЕАА бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2 952 866 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йилнинг 11 июнь кунини соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосига талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Та­лаб­но­ма­лар қабул қилишнинг охириги муддати: 2018 йил 8 июнь соат 16:00. Савдо қилиб деб топилган шахста 10 (ун) иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шарт­но­маси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини закалат келишув шартномасига асосан "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг ХАБ "Трастбанк" Фаргона филиал­ли­даги қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:

Х/П: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753. Мурожаат учун манзил: Фаргона шаҳар, С.Те­мур кўчаси, 45-уй. Тел: +99895 402-54-75. Гувоҳнома №1894

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани Жантўх кўча 12-уй Буриева Фарангиз Ақромовнага тегишли 38 хона­доннинг кадастр ҳужжатлари ва 2018 йилнинг 19 фев­ра­лида тузилган р-№1-632 рақамли олди-сотди шарт­но­маси йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Жўраев Шерзод Норовичга тегишли Тошкент шаҳар Учтепа тумани 14-мавзе 13-уй 13-хонадонга тегишли бўлган уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Авлоева Майрам Абдувалиевнага тегишли бўлган Чи­лонзор тумани, 26-мавзе, 23-уй, 35-хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# Виртуал

## “МАСЛАҲАТГҲЙ”

### ► СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Камина ҳам ижтимоий тармоқларда фаолман. Баъзида иш юзасидан, баъзида дўст-биродарларим билан суҳбатлашиш, гоҳо теша тегмаган янгиликлардан бохабар бўлиш (ҳозир ОАВдан кўра интернетдан исталган “свежий” ахборотни топиш осон) мақсадида кираман. Фойдаланувчилар постларига кўз югуртираман. Биров қизгин фаолияти, чет эл саёҳати, оилавий йиғилишларини виртуал дўстларига кўз-кўз этса, бошқа биров асабий, нолиганнамо постлар ёзиш билан овора. Яна кимдир оилавий можаролари (қайнона-келин, эр-хотин муаммолари)дан сўзлаб, гуруҳдошларидан “ийманибгина” маслаҳат олиш илинжида...

Ижтимоий тармоқларда ўз аъзоларига эга қатор гуруҳлар мавжуд. Айниқса, “китоб саҳифаси” аталган фойдаланувчилар ҳуқуқий оғини юксалтириб, эл фаронглигига ҳисса қўшаётган гуруҳлар талайгина. Аёллар учун оила масалаларига бағишланган алоҳида гуруҳлар ҳам анчани ташкил этади. Фойдаланувчиларнинг бири-бирига руҳий даража бераётгани, турли муаммоларга биргаликда ижобий ечим излаётгани қувонарли ҳол, албатта. Аммо уларда жойланаётган баъзи постлар кишини ташвишга соймайди. Оилавий муносабат, можаро-лар, сирларини икки-чиркига олмаган бемалол ошқора айтаётган пост эгалари азалий кадрларимиз, шарқона ҳурматимизга пуртар етказётгандек, назаримизда.

Тунов кунни бир келин (пост аноним тарзда қўйилган эди) машина олд ўриндида, турмуш ўртоғининг ёнида ўтиргани учун қайнона-насандан даққи эшитгани ва бу ҳақда гуруҳдошларининг фикри билан кизикиб пост қолдирибди. Изоҳлардаги “эрининг ўзи ёнида ўтиришимни айтади”, “ойи-жонинг ўзлари олд ўриндида ўтиришимга руҳсат берганлар”, “оёқ ўриндида ўтиришимни нимаси ёмон экан” каби фикрлар диққатимни тортиди. Шу баҳона изох-

ларнинг анчасини ўқидим. Оилавий масалаларни омма, айниқса, аксарини кўрмаган, билмаган “дўстлар” билан муҳокама қилиш қайси маданият, одоб-ахлоқ қоидаларига тўғри келади. Бу қайнона-келин муносабатлари дарз кетишига, ўз ҳолатини бошқалар ҳаёти билан қиёс этиб, оқибат қош қўяман деб, кўз чикаришга олиб келади.

Виртуал олам инсониятга шундай кулайликларни тортиқ этдики, сирдош топилмаганда, уларни бемалол “нет”-дагилар билан ўртоклаштиш имкони пайдо бўлди.

«Икки йил олдин эрим билан ажрашдим. Болам билан ота уйида яшаймиз. Шу кунларда узоқларга қочиб кетгим келяпти. Сабоби уйдагилар «Качон турмушга чиқасан, тезроқ эрга тегсанг, тинчирдик», дея ҳоли-жонимга қўйишмапти. Келинкоймларнинг ҳам топи олангати шу. Оғиз солаётган кишининг ўзи йўқ. Бунинг устига, ҳеч қаерга юборишмапти. Бирор жойда ишлаш, муаммолардан қалғи десам, бунга ҳам руҳсат беришмапти. Ишонимасман, қолаверса, ажрашган бўлганим учун гап-сўз қўя-ярмиш...»

Тўғри, бугун демократик замонда яшаймиз. Ҳаммининг сўз бўйи қонунга ҳисобланган. Биров унга дахл қилолмайди. Бироқ бу — уйдаги гапни кўчага олиб чиқиш ҳуқуқини бермайди. Постларда айтилаётган, ёмонланаётган инсонларнинг ҳам шаъни, кадр-қиммати бор. Наҳот, яхшиликка хизмат қилиши мумкин бўлган эркин минбарларни ивгою ҳасад маконига айлантирсак?!

Гуруҳдошлар фикри пост эгалари учун жуда муҳим.

“...Турмуш ўртоғим билан алоҳида яшайми, очини айтсам, уй-жой, ҳаммасини отам қилиб берди. Бахтимиз учун тинч яшайми. Аммо эримнинг опалари, синглиси ва қайнонам тинчлик бермапти. Уларга оғиримиз тушмайди, ёрдам берсак бермас, лекин ҳеч нарса сўрамаганим...»

Сўрамоқчи бўлганим — алоҳида яшасан ҳам бирон ерга меҳмонга борсанг, қайнонадан руҳсат сўрашим шартми? Бундай вазиятда қандай йўл тутсам тўғри, сизларнинг фикрларингиз муҳим”.

Жуворлар билан бир қаторда айрим қайнона-келинчаларнинг ўз келини, кўё-ви билан юзага келган турли низо ва келишимовчиликларини ҳақда пост битиб, “дарди”-ни гуруҳдошлари билан бўлишаётгани янада ажбланирди. Ахир, оилани муқаддас билан халқимиз учун бу каби ёзишмалар уят эмасми?

Бирови қайнонасини ёмонлаган, бирови эридан ноланган, бошқалари эгичил бўлмаган келинидан гапирган... Қизик, яқин келажақда оилавий муаммоларни элга дастурхон қилиш одатий ҳолга айланади, шекилли.

Ўйлаб қўрилса, маслаҳат берувчиларнинг ўзи шунга муносибми, деган савол туғилади. Чунки уларнинг орасида турмушнинг пасту баландларидан йироқ ёки қийинчиликларга дош бермаган, алаҳида инсонлар ҳам бўлиши мумкин. Биргина ноқўйи маслаҳат сабаб оила нотинчига, бахтли турмуш бахтсизга айланиши ҳеч гап эмас. Шундоқ ҳам арзимас важлар туфайли турмушга жўр ёқасига келиб қолган оилалар ҳақда эшитавериб, қулоқлар чарчаб қолди.

Гўзал МАЛИКОВА

### ► МЕНДА ТАКЛИФ БОР

Тошкент йўлларида тирбандликлар кўпайиб бораётгани ҳаммини ташвишга солмоқда. Дунёнинг барча мегашаҳарларини бевозта қилаётган муаммо бугун шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларни ҳам қийнаб, бехуда вақт сарфлаш, асаббўзарлик, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Тўғри, пойтахтимиз йўлларининг кенгайиши, асфальт қатламининг сифат жиҳатдан янгилашиши, кўприклар, йўл ўтказгичларнинг қурилиши, кузатув камераларининг ўрнатилиши муаммони ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Аммо ҳали шундай “сунъий” тўсиқлар борки, уларни бартараф этмасдан йўлларимиз қанчалик равон, кўчаларимиз кенг бўлмасин, тирбандликни қамайтиролмайди.

## Кўчалардаги тирбандлик:


### муаммо ва ечим

Келинг, масалага оддий йўловчи сифатида ёндашиб, таҳлил қилиб кўрайлик. Мукаддам Сергелидан марказга — Мустақиллик майдонигача енгил автомашинада келиш учун 20-25 дақиқа сарфланарди. Кейинчалик бу кўрсаткич 30-35 дақиқани ташкил этди. Ҳозирда эса 40-45 дақиқача кўтарилди. Ваҳоланки, бу даврда шу оралиқдаги йўллар бир неча бор кенгайтирилди, ўтказувчанлиги оширилди. Тўғри, аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб, шахсий автомобиллар сони кескин ошмоқда.

Шунга қарамай, бугунги кунда шаҳримиз кўчаларидаги тирбандликларнинг бош сабаби светофорларнинг ҳаракат оқими билан мувофиқлаштирилмагани, ишлаш режимининг оқилнама белгиланмагани, кўр-кўрона жойлаштирилганлиги билан боғлиқдир. Галимиз куруқ бўлмағини учун қайл этилган йўналишдаги автомобиль қатновини таҳлил қилиб кўрсак: Янги Сергели кўчасида келаётган автомашина ўзгариш даҳасига келганда 1-1,5 километр узунликдаги тирбандликка учраши турган гап. Йўлнинг қарама-қарши томонида ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин. Сабаб — шу ерда пидедалар ўтиш жойи ва ён томон — маҳалладан чиқадиган иккинчи даражали йўл кесимида ўрнатилган светофор. Унинг яшил чирокни хар дақиқада юзлаб автомобилларни ўтказувчи асосий йўлга 40 сония, иккинчи тараф — онда-сонда ўтайдиган пидедалар ва ички кўчалардан чиқиб келадиган 3-4 та автомашина учун 20 сония чакнаб туради. Яшил чирок ёнғач, хайдовчи ҳаракатни бошлагунча 7-8 сония

йўқотилиши, сариқ чирок ёниши хавфини тўйиб, ҳаракатни секинлаштириши ҳисоби-га 3-4 сония сарфланганини ҳисобга олсак, яшил чирокнинг автомашиналарни ўтказиш вақти 30 сонияга тенг бўлади. Яна сариқ чирок, кейин 20 сония кизил чирок, ҳуллас бир дақиқанинг фақат 30 сониясида шох кўчада қатнов амалга олади. Агарда, асосий йўл учун яшил чирокни 40 сония ўрнига 90 сония қилиб қўйилса, йўлнинг ўтказувчанлиги қоби-ляти беш-олти баробар ошган бўларди. Иккинчи даражали йўлдан автомашиналар ва пидедалар ўтишида яшил чирок учун 12 сония қийфа. Қолаверса, 10-15 чоғли автомобиль ҳамда 7-8 пидедаларнинг 90 сония пойлаб, тўпланиб, йўлдан ўтиши катта йўқотиш эмас. Асосийси, катта йўлда тирбандлик бартараф этилади.

Усмон Носир ва Гаваҳар кўчаси (Жанубий вокзалга етмасдан) кесимидеги тирбандлик ҳақда Янги Сергели ва Чоштенга кўчалари чорраҳасидаги қатновни издан чиқарадиган даражада. Сабри чидаман ҳайдовчилар “оти” ни пидедалар ўтиши йўлга солмақда. Бақир-чақир ав-жиза қақайди... Бу жойда ҳам айбдор — светофор. Янги Сергели кўчасидан келаётган транспорт оқими Гаваҳар кўчасидаги оқимдан 3-4 марта кам бўлса-да, светофор ҳар икки тарафга тенг ишлайди. Натияжада Янги Сергели кўчаси транспорт оқими-га бардос беролмай қолади. Айрим кунлари чорраҳада йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектор қатновини тартибга солиб, Янги Сергели кўчаси бўйлаб транспорт ҳаракатини 50-60 сонияга узайтиради.



### ► ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ

Олтиўғилликлар иккинчи жаҳон урушидан ногирон бўлиб қайтган буваларининг даҳшатли жангномаларини ҳа деганда эслаш олмаслиги мумкин. Аммо ўша йиллардаги бир воқеани ҳалигача унутмайди.

...Шоди кўтарма ўғлининг суннат тўйига иккига дошқозонда ош дамлатармиш. Бу хабарни эшитганининг иштаҳаси қарнади. Ўша куннинг келишини кутиб юрган Далли ҳам тонг отмасданок ҳамир тоғорадан кичикроқ, уч ўғли талашавериб пачанини чиқарган тунука товоқни қўшқўлаб қорнига босганича, тўйхонада ҳозир бўлди. Далли қорачадан келган, қирабурун, уқикқўз, қоқбош одам. Кам гапирди. Айтганидан қайтмайдиган хархашафеъл.

Супадаги гиламлару шолчаларга тўшалган гирдиҳона кўрпача, туя жундан тўқилган шокилала узун-узун шолдастурхонлар атрофида катталар, ундан нарироқда бола-чақалар тўпор-тўпор. Айрим суллохроклар катталарнинг ёнидан суқилиб, шолдастурхоннинг у ер-бу ерига сочиб ташланган парвардаларга қўл чўзади. Катталар хотамлик қилиб, хар замонда уларнинг олдига қўли етмаган жойлардан уч-тўртта парварда ташлаб туради. Тўйхона худди бозорга ўхшайди. Гапчиноларнинг авжи келганда баъзан унда-бунда қалқалар ҳам эшитилади.

Халигина лангиллаб ётган ерўчоқлардан олов тортилаганига кўп бўлгани йўқ. Сундирилган чўнинг ёруғида ҳам ўчоқ-бошидагиларни таниса бўлади. Далли товоғини қўлтирига ўтказиб, уларнинг орасига суқилганича, қафтларини ўчоқ томон чўзиб ҳузурлана бошлади. Бу ерда ҳам хангома авжида. Бироқ, Далли уларни эшитмайди. Кўзининг кири-

оқ сурп ёпилган дошқозонда. Паловнинг хуш бўйи димоғини қитқиллабверганидан дамба-дам ютинади.

Нихоят, бошидаги тақиянинг устидан оқ белбоғини салга қилиб ўраган Баҳриддин ошпаз дошқозонлардан бирининг олдига келиб, икки букланган қандир халтага чўк тушиб, чакқонлик билан қозон устидан сурпини йириштириб олди. Ошнинг буғ аралаш таралган ёқимли исси атрофга ёйилди. Ош устидан тоғораю ликопчалар олинди. Сополу тунука лаганларнинг тақир-туқури супадагиларнинг ҳам эътиборини тортиди. Тўйхонага бир ҳузурли сукут чўқди.

— Қани овини, — деди ошпаз бор овозда ўчоқ бошида тиз чўкканича, ҳаммининг эътиборини тортиб.

Супада ўтирганлар томондан қишлоқ мулласиям, оксоқолиям ўзи бўлган Сайдулла бобонинг тўй оғаси — Шоди кўтарма шаънига кироат билан қилган дуою тилақлари янгради.

— Овмин, — дейишди меҳмонлар бара-варига. Тўйхона гуриллаб кетди.

Биз кутаётган воқеа ўшанда содир бўлган. Ошпаз қўлидаги белқурақдай қапирини гир-айлантириб, ошни авдариб бўлди. Энди лаганларга сузаман, деб турганида Далли дик этиб ўрнидан турди-да, тоғорасини унга тутди.

— Шошмай тур, Далли, элдан қутулай, ош қўп, сенга ҳам етади, — деди. Улармон Даллига шу гапнинг ўзи етарли эди.

— Йўқ, аввал менга берасан, — деди гашиниб. — Менга биринчак берасан!

## ДАЛЛИ



— Бер, деяпман!  
— Далли, Далли, ўзингни қозонга ташла, — деди томошалаблардан бири унинг геариб тургани устига пишанг бериб.  
— Ташлайманам, — деди Далли қаддини ростлаб, овоз келган томонга қарамай. — Бертанг, бердинг, бўлмасан... У жавобни ҳам кутиб ўтирмай, — мана, — дея қалишни ечдию маҳсинининг учини қозонга тикиб олди-да, итга ўхшаб оёғини силқий-силқий қалишни қайта кийди. Сўнг безрайганича тоғорасини яна ошпазнинг тумшугига тутди.

— Хе, падарингга сени, — деди ошпаз бўғилиб, нима қиларини билмай. Қозон атрофидигилар гап-сўз чувалашмасин, деб, босди-босди қилишга ту-

— Беринг, беринг шунга. Бир балони бошламасин яна, — деди унинг феълини билгандай қимдир.  
— Ўт, бу ёкка-ей, — деди кўтарманнинг тўйига бақовуллик қилиб юрган қариндошларидан бири Даллининг елкасидан туртиб.  
Даллиники баттар тутди. Қайрила солиб, ердан бир сиким тупроқни чангаллаб, ошпазга юзланди:  
— Ҳозир ошингга сепаман!  
— Хой-хой...  
— Тўхта-тўхта!

Бу воқеа урушдан сўнг, халқ очарчиликдан энди чиқа бошлаган йиллари бўлган, дейишди билганлар.

Орадан шунча пайт ўтганига қарамай, хар замонда эслаб туриладиган шу воқеа яқинда яна ҳаммининг эсига тушди. Нима ёмиш, Даллибобо невараларидан бирининг ишқи қўшниси Эсанбойнинг қизига тушибди. Йигитнинг уйи қўчанин у томонида. Эрталабдан дарвозахонанинг ёнидаги курсичага чўкканича қизни пойлайди. Кўзи тешилиб кетгунича у деразадан бу деразага қарайверади. Надирик, сохибжамоли кўринса.

Бечора қиз ҳам қийналиб кетди. Остона хатлади дегунча ортидан ховучида бир сиким писта билан сўлоқмондай шарпа пайдо бўлади-да, соядай эргашиб юраверади. Бир сўз демайди. Тикилгани тикилган. Қиз шундай ортида унинг пишиллаган нафасини сезиб, эти жунжикиб кетади.

Қишлоқда гап-сўз қўяна бошлагач, номуста қолмай деб, онаси совчиликка борибди. Эсанбой эса, қизим ёш, бунинг устига йигит ўқимаган, бирор касби-қори йўқ, бермайман, дебди. Шу кунни тунда кимдир унинг кўча томонидаги деразаларини чил-чил синдириб кетибди. Эсанбой буни Даллининг неварасидан кўриб, жанжал қилиб борган экан, йигит ҳам дангалига ўтиб:

— Агар Моҳириани менга бермасангиз, уйингизниям ёқиб юбораман, — дебди.


Ўша йигитни яқши биламан, икки қизини бурнининг учига, бурнини эса оёғинизга тикиб, панд-насихатингизни эшитиб тургандай бўлади-ю, билгандан қолмайди. Эсанбойнинг боши қотган. Кимга нима дейишни билмайди. Амакиси Сайли касобта маслаҳат солган экан, у ўйлаб-ўйлаб, бу ёри тақдир, дебди.

Ўқтам МИРЗАЁР

# Ўрта асрларда маънавий рангтаъбир ва меъморчилик

## ► АСРЛАРНИНГ АСРАГАНЛАРИ

1965 йилда Самарқанднинг марказий қисмида очиб ўрганилган қадимий шаҳар харобаси Ўзбекистоннинг маданиятини тадқиқ этишда муҳим объект саналади. Ғарбий девордаги элчиларни қабул қилиши тасвирларида элчиларнинг совғалар топшириш маросими акс этган. Чап томондаги композициянинг чекка қисмидаги жуфтлик, марказий қисмдаги унча нафар чағониёнлик элчилар хитойликлардан олдинда турган сўғд таржимони, ўнг томондаги учинчи жуфтликда Чоч ва Корея элчилари тасвирланган. Жуфтликлардаги образлар бир-биридан қатор жиҳатлари билан ажралиб туради.



Жанубий деворга чизилган асарлар Самарқанд ҳокими Чағониён маликаси билан учрашуви ва уни кузатиб келаётган бир гуруҳ яқинлари тасвирланган. Малика ўтирган филда у билан бирга хизматкори ёки қариндоши тасвирланган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қарашлар мавжуд.

Шарқий девордаги суратлар хира: кўм-кўк тўқиллар, улар орасида балик, тошбака, сузиб юрвчи ғозлар ва яланғоч болаларнинг кичик фигуралари тасвирланган. Иншоотнинг бошқа хоналарида ҳам деворга солинган нақшлар бўлган, ammo уларнинг кўп қисми парчаланиб кетгани боис, бутун манзарани тасаввур қилиш имкони йўқ.

Марказий Осиёда пайдо бўлган Самонийлар ва ундан кейинги Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Хоразм шохлар давлатларининг ҳукмдорлари ўз сарой ва қасралари, меҳмон-

хона ва ҳаммомларини мавзули ва манзарали расмлар, бўртма тасвирлар билан безатган. Бу тасвирларда жанг ва ов манзаралари, қабул маросимлари ва зиёфатлар, ҳукмдорлар суратлари акс этган. Жумладан, Махмуд Ғазнавийнинг сарой деворларига турли расмлар, ҳукмдор ва унинг яқинлари тасвирлари ишланган, сарой деворлари бўртма тасвирлар билан безатилган.

Чингизхон салтанати XIII аср охирига келиб қатор мустақил, бир-бирига алоқаси бўлмаган давлатларга ажрала бошлади. Ана шу даврда Марказий Осиёда янги ҳукмдор Амир Темур Майдонга чиқа бошлади. Темур ва унинг сулоласи даврида фан, санъат ва маданият жадал ривож топди. Маҳобатли рангтаъбир, амалий декоратив санъат соҳасида қатор янги анъаналар шаклланди. Жумладан, йирик ва мураккаб меъморчилик мажмуалари шаҳарсозликда муҳим ўрнини эгаллаш бошлади.

Анъанавий меъморчилик шакл ва услублари қайта кўриб чиқилди. Айниқса, меъморчилик ёдгорликларини рангли қошнлар билан бойиши катта бадиий-эстетик аҳамият касб этди. Амир Темур даврида қурилган Оқ сарой мажмуаси алоҳида ўринни эгаллайди. Ун икки йилдан ортиқ вақт мобайнида қурилган сарой пештоқи Хитой қошнлари, арабий нақшлар, гуллар ва ўймакорлик билан безатилган. Деворнинг ташқи томони кўк ва олтин ранглардаги нақшли қошнлар билан пардозланган. Оқ саройда 1404 йили бўлган сайёх Клавио унинг ички ва ташқи томони ниҳоятда безакка бой эканлигини таъкидлаб меъморлар ишини Париж усталари ишидан ҳам юқори қўйган.

Темур ва теурийлар даврида тасвирий ва амалий безак санъати ўзининг гуллаш даврини бошидан кечирди. Миниатюра ва деворий рассомлик санъатида нодир

асарлар яратилди. Шу даврда қурилган сарой, қаср, масжид ва макбаралар, зодагонларнинг хонадонлари турли мавзудаги расмлар билан безатилганлиги ҳақида тарихчиларнинг ёзма баёнлари сакланиб қолган. Афсуски, шу даврда қурилган кўпгина саройлар, иншоотлар бизгача етиб келмаган ёки айрим парча ва қўчималарда сакланиб қолган, холос. Жумладан, Ширин Бика око макбараси деворларида табиат кўриниши тасвирланган бўлиб дархтларда қушлар акс эттирилган. Бибиҳоним масжиди деворларига нақшли безаклар билан бирга табиат манзараларини акс эттирувчи расмлар ишланган. Бу даврда деворий рассомлик сарой ва қасраларни безатишда кенг ишлатилган. Сарой деворлари мураккаб сюжетли композициялардан ташкил топган. Уларда Темурнинг олиб борган жанглари, ўзи ва яқинларининг суратлари тасвири, ов манзаралари акс эттирилган. Тарихчи

ибн Арабшоҳнинг сўзларига қараганда, Темурнинг фикрига кўра, унинг жасоратини кўрмаганлар расмлар орқали биллиб олишлари керак бўлган. Амир Темур вафотидан кейин унинг улкан салтанатини Хуросон ва Мовароуннаҳрни унинг ўғли Шохруҳ ва набраси Улуғбек бошқарди. Амир Темур бошлаб берган анъаналар деярли 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этди. Меъморчиликда маҳобатли меъморий мажмуалар барпо этилди. Самарқанд, Бухоро ва Вобкентда қурилган мадрасалар шу давр меъморчилигининг анъаналари асосида вужудга келган. Улуғбек мадрасаси даврининг улуг ёдгорликларидир.

Хулоса қилиб айтиш керакки, маҳобатли рангтаъбир Ўрта асрлар Ўзбекистон меъморчилик санъатида турли хусусиятларга эга бўлган ҳолда ривожланган. Ҳар бир даврда у ўзининг миллий-бадиий хусусиятларини кашф этган ва миллий меъморчилик санъатининг ажралмас қисмига айланган.

Достон ҚУРБОНОВ,  
Қамолиддин Бехзод номидаги  
МРДИ магистранти

## ► ДИЛ СЎЗИ

2004 йили бир танишим телефон қилиб, самарқандлик тадбиркор дўсти тижорат газета очгани ва ўзи газета чикариши учун журналистикадан хабари йўқ эканини айтиб, мени бош бўлишга ундади. Тадбиркор тарафидан Тошкентга юборилган вакил билан суҳбатга таклиф этилдим.

# Ниятимиз — МАЪНАВИЙ КОМИЛЛИК

Суҳбат асносида менгача ҳам ишни кимдир бошқаргани, ammo ўша тўрт ой мобайнида 5000 ададнинг улар қора бозорда зўрға сотганини айтиб, нолиди вакил. Мен шунчаки кўнгул очадиган, тижорий нашр эмас, адабий-бадиий, маънавий-маърифий йўналишдаги газета бўлганига муҳаррирлик қилишга кўншимини айтдим. Иш берувчи бунга рози бўлгач, шартнома тузилди. Бош муҳаррир сифатида иш бошладим.

Орадан икки ярим ой ўтди. Газета ўн минг нусхада чоп этила бошлади. Газетани кўпчилик кутадиган бўлди.

Аmmo орадан кўп ўтмай, Самарқанддан яна ўша вакил келди. У энди бошлиқни "маънавий, ахлоқ" деган гаплар орқиб қизиқтирмаслигини айтиб, бозорбоп, олди-қочди мақолаларни кўпайтиришга ундади мени. Уни фикридан қайтаришга уриндим.

Ўғриллар, қотиллар, фоҳишалар ҳақидаги мақолаларнинг ўқувчиси кўп бўлишини айтиб, вакил мени "қизил журналист"ликда айблади.

— Ёки айтганимизни қиласиз ёки бўшайсиз... Ишдан бўшаганим билан ишқис қолмадим. Аммо ўн минг газетхоннинг кейинги тақдирига афсус чекдим. Онгли одам нимани ўқиш, кимни тинглаш, кимга қараш, кимга эргашини яхши билади. Ўғриллик, қотиллик ва хоказолар билан миясининг ярим шарини тўлдирган газетхоннинг иккинчи ярим шариди нима акс этиши, қандай олам шаклланишини айтиш учун эса файласуф бўлиш шарт эмас.

2000 йиллардан ҳаётимизга кириб келган аксарият тижорий нашрларнинг меваси ўзини узок куттирмади. Ёшлар ўртасида ажралишлар кўпайди, нафақат ёшлар, балки бобо-буви бўлиб улгурган одамлар ҳам ажралиш ҳақидаги аризонани кўтариб, идорама-идора юришдан уялмай қолди. Ака-укаси, хатто отаси билан молк-мулк, мерос талашадиганлар уялмай қўйди. Келинларимиз эрларини ношудликда айблаб, чарчамайди. Ўзлари хар ҳафта гўзаллик салонига чиқишни қанда қилишмайди-ю, ammo қозоннинг олдига икки марта бориб қолса, давдағаси оламини бузадиган бўлиб қолди. Қўлларидан эса ҳамон ўша бозорбоп газеталар. Улар ўқимишли, хар тугул ўзларини ўқимишли деб билшпади. Бунақалар бошқа халқларда ҳам бор.

Президентимиз мамлакатимизда китобхонликни кенг йўлга қўйиш масаласини кўтарганларида зиёдилар, асл ёзувчилар қанчалар қувонганини хис этиш қийин эмас. Йўқ, улар китоб дўқонларида сотилмай ётган китобларига харидор топилганидан эмас, асл сўзининг қудрати тан олинганидан қувондилар. Чунки китобхонлик, деганда аввало танлаб, саралаб ўқиш тушунилади. Пулдор одам маза-бемаза гапларини китоб қилиб чиқариб, одамларни нодонликка бошлаши қайси жиноятдан кам?

Сўзининг қудрати қиличдан кескир. Гап маънавий-маърифат, ахлоқ тўғрисида борар экан, жамиятимизнинг ижтимоий устуни — маънавий муҳитимизни асрайлик.

Қаноат БОЙХОН қизи,  
журналист

# ЯХШИ ҚЎШИҚ — КҮНГИЛ ЭҲТИЕЖИ

## ► АКС-САДО

Қўшиқни севмайдиган, унинг кўнгулга завқ шавқ берадиган дурдона сўзларию дилқуво сатрларидан илҳомланмайдиган, малҳамжон қуйларидан яйрамайдиган халқ, миллат ер юзида бўлмаса керак. Камина бу ўринда кўнгулни зийнатлайдиган, юракни яшнатадиган, дилга қувват ва мадад берадиган, маънавиятни нафосат ила безайдиган, инсонни яхшилик сари бошлайдиган, ҳатто фель-атворини ҳам тарбиялайдиган яхши қўшиқни, аёло таронаю тараннумни назарда тутмоқдаман. Яхши қўшиқ ҳаётимизга ҳам хуш ярашиб, умримизни узайтиришга ҳам хизмат қилади, ахир!

Халқимиз қўшиқсевар, санъатсевар. Бу унинг жисму жонига азал-азалдан сингиб кетган олижаноб хислат, тараннум чоғи эркин қушдай яйрайдиган миллат! Чиндан, яхши, сермазмун, дилнавоз қўшиқ ўзбек халқининг бебаҳо мулки, содиқ йўлдоши. Қўшиқчилигимизнинг неча асрлик бой хазинасига ўтган юз йилликда ҳам Домла Халим Ибодов, Жўраҳон Султонов, Ҳожихон Болтаев, Мадрохим Шерозий Ёқубов, Қомилжон Отаниёзов, Халима Носирова, Олмадон Хайитова, Отажон Худойшукуров, Ориф Алимасумов, Фаттохон Мамадалиев сингари ўнлаб машҳур санъат юлдузлари бебаҳо хисса қўшиб, миллионлаб қўшиқ шинавандаларининг самимий эҳтиромларига сазовор бўлишган.

Бугунги кунда ҳам бу санъатнинг эл аро таниқли номаяндалари анчагина. Улар таниқли хофизларимиз — Ўзбекистон халқ артистлари Шерали Жўраев, Орқиб Отажонов, Бобомурод Ҳамдамов, Муножот Йўлчиева, Насиба Абдуллаева, Фуломжон Ёқубов, Гулсанам Мамазоитова, ака-ука Гофур ва Фулом Эшжоновлар, Ўзбекистон халқ хофизлари — Фарход Давлетов, Эркин Рўзиматов, Соибжон Ниёзов...

Рости, яхши қўшиқлар яратиб, маҳорат билан ижро қилиб, эл-юртта манзур бўлаётган санъаткорлар рўйхатини анчагина давом қилдириш мумкин.

Уларнинг ижроларидан завқланиб ором оламан, яйрайман.

Лекин кўнгулнинг бир ҳолат хижил қилади. Бу — санъат деган муқаддас даргоҳга санъатнинг ҳам, қўшиқнинг ҳам асл маъносини тушунмайдиган, иктидорсиз, саҳнага чиқиб улгурмай "юлдуз" (аслида хира юлдуз)га айланган қобилиятсиз ижрочиларнинг кўпайиб бораётганидир.

Асл санъат шинавандалари юрагини оғригадиган бир қатор нохуш ҳолатлар Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Қомил Синдаровнинг "Хуррият" мустақил газетасида 2018 йилнинг 4 апрель сонидан чоп этилган "Дил озиғими, дил оғриғими?" сарлавхали мақола-сида аниқ мисоллар билан баён этилганлиги менинг кўнгулимнинг ҳам оғриқ нукталаридир. Мақолада миллий қўшиқчилигимиз билан боғлиқ, уни бўлмағур қўшиқлардан тазалаш зарурлиги эркин акс эттирилгани гоят диққатга сазовор...

Аслида қўшиқ чаманини шумғия ўтлардан тазалашдек хайрли, долзарб ишга барвақтроқ киришмоқ, муҳим бу тадбирнинг амалга оширилишига жиддий эътибор бермоқ зарур эди. Буни ҳаётимиз тобора яшнаб, гуллаб-туркираб бораётгани маданий савиямиз даражаси юксалиб бораётгани ҳам тақозо қилаётган эди. Ахир мустақил, хур ҳаётга дилбар қўшиқлар ярашади, маъносиз, тутуриқсиз, дағал "қўшиқлар" эса дилни хира қилади, тингловчинни ранжитади.

Айни пайтда санъатимизнинг аҳоли ночор ҳолатга тушиб қолишига, менимча, кенг йўл очиб бераётган,

ammo тутатилиши лозим бўлган бир муаммо пайдо бўлди. Бу — қўшиқлар ёзилган диск ва "флешка"дан фойдаланишга ўтиб кетилаётганидир. Тингловчини алдашдек, ҳатто менсимасликдек бундай "ижро" усулига кескин чек қўйиш керак. Бундай "ижро" усулига кўпгина таниқли санъаткорларимиз ҳам ўтиб бораётгани кўнгулимизни оғригади. Бундай ачинарли манзаралар тўй-хашамларда, айниқса, кўп содир қилинапти. Диск ёки флешкадан фойдаланаётганини яшириш учун овоз кучайтиргичларни атайлаб банд қўйишга таниқли эса тингловчиларни юрагига ларзага солиб, ҳатто соғлиғига ҳам путур етказётгани аниқ.

Камина баъзи санъаткорларнинг флешкада қўшиқ "ижро" қилаётиб, қўлидаги микрофон бир ёнда қолиб, яқинидаги шинавандалар билан бемалол гаплашиб турганини ҳам кўп кузатганман. Ҳаёт флешкадан фойдаланаётганида электр ўчиб қолиб, ижрочининг овози ўчиб қолганини ҳам, юзи шувут бўлганини ҳам! Бу тингловчига нисбатан ҳақорат ҳам эмасми? Флешка ёхуд диск воситасида овозни куруқ очиб-ёпиб қўшиқ "ижро" қилаётган санъаткор, пировадда ўзининг бор овозига ҳам путур етказиб қўйишини бир бор ўйлаб кўрмаганмикан? Бу овоз кейинчалик сурункали хириллаб қолмайди, дейсизми?

Демокчиманки, диск ёхуд флешка воситасида қўшиқ "ижро" қилишдек, ноғужа усул қўшиқчилигимиз тақдирини тахдид солиши, унинг мавқенин пасайтириб юбориши тайин. Бу масалани жиддий ўйлаб кўрмоқ керак. Ана шу нукта назардан қараганда, бу муқаддас соҳага масъул ҳисобланган "Ўзбекконцерт" бирлашмаси, унинг раҳбарларини жамоаси юқорида баён этилган салбий хислатларни баргараф этишга жиддий эътибор қаратмоқлари лозим.


Қомил Синдаров мақоласини ўқиб жараёнда шундай қатъий бир фикрга ҳам келдим:

Республика Маданият вазирлиги, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамқору ҳамнафасликда эл эътиборига ҳавола қилинадиган қўшиқлар матнини назардан кечириб, шундан кейингина ижро этишга йўлланма берадиган ҳайъат тузилсаю, унинг таркиби таниқли санъатшунослар, шоир ва композиторлар ила шакллантирилса. Акс ҳолда дилларини хижил қилдиган қўшиқлардан қутула олмаймиз. Ўзи шеърят талабларига жавоб берамайдиган бўлмағур сўзлар матнини яратиб, ўзи "ижро" қилдиган, ҳатто сахна маданиятини ҳам билмайдиган, бакириқ-чакириқлардан нарига ўтмайдиган, гоҳо бир сўзни юз бора такрорлаб, тингловчи вашига тегадиган "ижро"чилар йўлига ҳам тўсиқ қўя олмаймиз.

Дарвоқе, муаллифнинг яхши қўшиқ шоир, бастакор ва санъаткор-ижрочи ҳамкорлигини яратилади, деган фикрига ҳам қўшимча қилмоқчи эдим. Яхши қўшиқ шоир, бастакор ва ижро билан бирга муҳаррир, режиссёр, овоз ёзиш режиссёри ҳамкорлигида яратилса, менимча дурут чиқади. Бу ижодий ҳамкорликнинг пировадд натижаси эса барибир санъаткорга боғлиқ бўлиб қолади: яхши ижро қилса омади — ал олқишлайди. Аксинча бўлса, унинг ижро маҳоратида саёзлик борлиги!

Ҳа, элга фақат яхши, жон озиғи бўла оладиган, кўнгулни яйратадиган, ҳаётга ҳавас уйғотадиган, юртни улғайтирадиган, ўзбек шаънига ярашадиган қўшиқларгина ёқади, шу билан бирга санъатимиз хазинаси ҳам бебаҳо қўшиқлар билан бойиб бораверади. Яхши қўшиқ яратишга эса барча ижодкорлар масъул, айниқса, бунинг учун махсус ташкил этилган "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ва унинг раҳбарияти.

Ошиқ ЭРКИН  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган  
маданият ходими,  
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Ўтган замон бир уста ўзига тўғ хонадонда ҳунарини ишга солиб, анча пул ишлабди. Пулни қопга солиб, орқалаб уйига кетётганида йўлда оппоқ соқоли нуроний мўйсафидга дуч келибди.

— Нимани орқалаб келаятган биродар? — устандан сўради мўйсафид. Уста тўғрисиини айтишдан чўчибди. "Синалмаган бегона одам бўлса, кетимга тушмасин тагин, пулдан айрилиб қолмай" ўйлабди уста.

— Қопдаги пайраха, рўзгорга керак, — дебди ёлғондан.

Шунда мўйсафид: — Ҳа, майли, биродар пайраханга барака берсин, — дея ўтиб кетибди. Дуо қилган Ҳазрати Ҳизир эди.

Шу дуодан буён устаннинг пайраҳаси кўпаяр экан-у, пулиннинг баракаси бўлмас экан.

Ўшанда уста қўрмай, қопдаги пул, меҳнат ҳалолим деганда, Ҳазрати Ҳизир "Топган пулинга барака берсин" дея дуо қилмасмиди? Пайраха эмас, пулди баракали бўларди.

Элфон қони зиёндир.

Юсуф ТОВАСЛИЙ  
"Ҳикमतлар хазинаси" китобидан

# Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети жамоаси


*Халқимизни, энг аввало, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини 9 май — Хотира ва қадрлаш куни билан қизғин қутлайди.*



*Ота-боболаримизнинг жасорати қошида доимо шавқим қиламиз. Юртимиз ҳамisha тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!*



Реклама





## 9 Май

### Хотира ва қадрлаш куни

*Бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аجدодларнинг муқаддас хотирасини ёд этиши, сафимиздаги кексаларни эъзозлаш — Бизнинг энг юксак вазифамиз!*

[www.turonbank.uz](http://www.turonbank.uz)  
Хизматлар лицензияланган

### Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва касаба уюшмаси қўмитаси жамоаси

*Халқимизни 9 май — Хотира ва қадрлаш куни билан самимий муборакбод этади.*

*Аждодлар жасорати қалбимизда мангу яшайди.*



#### Ҳикматли сўзлар

Инсон ғазабини энгмагунча, қалбидаги ёмонлик васвасаларидан қутулиб, қомил инсон бўлмайди. Ёмон қалбни тўриллаш ният ва амалга боғлиқдир. Киши нафси хоҳиши ва эҳтиросини энгмагунча, садатга эришмас.

Қалбида шафқат бўлмаганларнинг эшикларига яқинлашма. Чунки у ердан рад жавобини олишинг-ни бил. Шафқатсизнинг сўзи сенга албатта зарар еткази.

Азмоқлик қилиб, дардингни ҳаммага тўкиб сочма. Дардинг душманга айланиб, бир куни сенга зулм қилади.

Илм инсонийлик тождир. Инсон фақат у билан шараф топади. Мол-мулк эса жоҳилининг гурурланадиган матоҳидир. Илм инсонни юксалтириб, ундан ёдгорлик қолдиради.

Эй, инсон! Сен учун энг муҳими ва зарури ҳеч қачон вақтни бўш ўтказмаслиқдир. Доимо вақтингни эзгу ишларга сарф эт.

Эй, инсон! Ҳамма билан чиройли муомалада бўл. Яратганининг дини чиройли муомала билан бошла-нади. Инсон гўзал хулқдан бирини тарк этса, шуб-ҳасиз ўзига ёмон бир иллат орттирган бўлади.